

М.И. Алимарданов, и.ф.д., проф., ТДИУ,  
Б.Н. Абдуллаев, Солик академияси

## ҚҰШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*В данной статье приведена история зарождения и определения налога на добавленную стоимость. А так же тенденция изменений ставок налога на добавленную стоимость. Проведен анализ по по льготам предоставленным плательщикам НДС и даны рекомендации.*

*In this article it is given history appearance of VAT. Determination of VAT is given reverserate over of VAT of our side is brought. Recommendations are given, analyses are done on privilege to the given taxpayers of VAT.*

**Калимли сұзлар:** құшилған қиймат солиғи, солиқ юки, солиқ харажатлари, солиқ таҳлили, солиқ имтиёзи, солиқ ұсаботи, молиявий натижаса.


Мамлакатимизда юксалтириш стратегияси ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида чуқур устувор йұналишлар белгиланғанда миллий валютамизни мунтазам равища мустаҳкамлаб борищ, ислоҳатларни чуқурлаштириш, хұжалик юритувчи субъектларни солиқ юкини камайтириш, четдан олиб келинадиган сармояларга кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омиллар яратилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов “Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарылған маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил якунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир. Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 8 фоиздан 7,5 фоизга камайтирилған бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди”[1] деб таъкидлаб ўтди.

Солиқ юкини ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўзгариш тенденциясини 1-диаграмма орқали кўришимиз мумкин.

ҚҚС хориж амалиётида биринча марта 1954 йилда француз иқтисодчиси Моррис Лоре[2] томонидан таклиф қилинган бўлиб, бозор иқтисодиёти амал қиласидиган кўпгина давлатларда муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Масалан, Шарқий Европа мамлакатлари (Германия, Дания, Нидерландия, Франция, Швейцария)да 60 йилларнинг охирида, (Бельгия, Буюк британия, Италия, Люксембург, Норвегияда) 70-йилларнинг бошларида ҚҚС жорий

этилган ва ҳозирги кунгача амал қилиб келмоқда. Қўшилган қиймат солиги Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 35дан ортиқ давлатларда жорий этилган ва ундирилиб келинмоқда. Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигига (МДҲ) кирган барча давлатларда 1992 йилдан бошлаб ҚҚС жорий этилган.



**1-диаграмма. Солик юкининг ЯИМ га нисбатан пасайиши (фоизда)**

**Манба: Бюджет параметрлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.**

Кўпгина мамлакатларда ҚҚС давлат солик даромадларининг 12 фоиздан 30 фоизгача бўлган даромад қисмини қоплади, яъни ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача 5-10 фоизини ташкил қиласди. Ўзбекистонда 1992 йилдан бери қўлланилиб келинаётган ҚҚС (акциз солиги билан биргаликда) олдин амал қилиб келган билвосита соликлар – савдо ва мудан олинадиган соликларнинг ўрнини тўлиқ алмаштируди. Аммо, ҚҚС ўзининг ўрни бўйича бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришида, республика ва корхоналар иқтисодига таъсири, нархлар пропорциясини аниқлашда улардан ўтиб кетди. ҚҚС қўлланила бошланган вақтдан ҳозирги кунгача бўлган даврда Ўзбекистон давлати бюджетининг асосий манбаларидан бирига айланди.

Ўтган даврлар ичida ҚҚС ставкаси 1992 йилда амал қилган 30 фоиздан 1997 йилга келиб 18 фоизгача туширилди ва 1998 йилдан бошлаб 20 фоиз қилиб белгиланиб, ушбу ставка бугунги кунгача сақланиб қолинганлигини қўйидаги расмдан кўришимиз мумкин:



**Расм. Қўшилган қиймат солиги ставкасининг ўзгариш тенденцияси**

Манба: ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва халқаро солиқ амалиётида билвосита соликларнинг асосий турларидан бири – қўшилган қиймат солиги бўлиб ҳисобланади.

Билвосита турдаги бу солиқ бюджет тушумлари орасида жуда катта қиёсий салмоққа ҳам эга. ҚҚС кўпгина мамлакатлар, шу жумладан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам катта роль ўйнамокда. Уни савдода соликқа тортишнин муваффақиятли чораси деб тан олиниб ҳам келинмоқда. Бундан ташқари, бізнес юритишнинг шакл ва усуслари ҚҚСга таъсир ўтказмайди. ҚҚСни шу тариқа ижобий баҳолаш мумкин, зеро ресурсларни тақсимлаш чоғида бозор воситалари учун танлаш эркинлигини берувчи иқтисодиёт шароитида юқорида айтилган шартлар ҚҚСнинг мурим жиҳатлари ҳисобланади.

Юқорида айтилган ижобий томонлардан ташқари ҚҚС ниҳоятда барқарордир, чунки ставка ўзгариши даромадлар кўпайиши ёки камайишига таъсир этмайди. Корхоналар операція ўтказиш чоғида ундириладиган оддий солиқ бўлган ҚҚС соликқа тортишнинг ишончли ва нисбатан осон тушуниладиган воситаси сифатида солиқ муносабатлари таркибида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

ҚҚС - ишлаб чиқариш ва тақсимлашдан тортиб истеъмолчига, сотишгacha бўлган жараёнда ҳар бир циклдан олинадиган билвосита қўп поғонали соликдир. Унинг обьекти қўшилган қиймат, яъни маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ёки хизматлар бажарувчи томонидан янги буюм ёки хизматни бажариш учун сотиб олинган хомашё, материаллар ёки маҳсулотлар қийматига қўшилган қиймат ҳисобланади. Ушбу солиқ маҳсулот нархининг барча унсурларини чеклайди ва ишлаб чиқарувчини ишлаб чиқариш чиқимларини камайтиришга унрайди[3].

Бу бўйича ҳисоб-китоблар жараёнида давлат саноат ва савдо сармояси айланиши суръатлари ҳақида маълумот олади, бу эса макроиқтисодий тартибга солинишини енгиллаштиради. Бундан ташқари, давлат товарнинг ахоли - солиқнинг мазкур турининг ягона ва охирги тўловчисига сотилишига қадар даромад олиш имконига эга бўлади.

Кўшилган қиймат ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар, хомашёлар ва хизматларнинг қиймати ўртасидаги фарқдан иборатdir. Табиийки, ишлаб-чиқариш жараёнида ва кейинчалик меҳнат тақсимоти натижасида маълум бир товар бозорга олиб чиқилгунга қадар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги бир нечта босқичлардан ўтади, бу босқичларнинг ҳар бирида қўшилган қиймат яратилади.

Кўшилган қиймат солиғининг бир неча ижобий томонлари мавжуд, аввало унинг корхоналар молиявий ҳолатига боғлиқ эмаслиги, яъни нейтраллиги уни юкори даражада ундириш имконини беради. Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг ҳар бир босқичида ундирилганлиги учун бюджетга узлуксиз даромадлар келишини таъминлайди. Шунга қарамай, ҳозирги пайтда қўшилган қиймат солиғи корхоналар молиявий аҳволига анча оғир таъсир кўрсатмоқда. Чунки хўжалик субъектлари ва истеъмолчиларда молиявий имкониятларнинг пастлиги сабабли қўшилган қиймат солиғи ставкаси улар учун жуда юқорилиги уларда фойдага эга бўлиш имкониятини чегаралайди.

Буни айниқса, ҚҚС бўйича имтиёзга эга корхоналар фаолиятида кўришимиз мумкин. Яъни, улар томонидан мол етказиб берувчиларга тўланган ҚҚС суммасини улар ишлаб чиқарган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритадилар ва таннарх “имтиёз” туфайли ҚҚС суммасига ошишига, демакки, якуний фойданинг шу суммага камайишига олиб келади.

Солик имтиёзларининг моҳиятига кўра, имтиёзга эга маҳсулотни ишлаб чиқарадиган юридик шахслар фаолиятига тўсиқ бўлмаслиги ва қўшимча солиқ юки ҳосил қиласлиги лозим. Фикримизча, ҚҚС бўйича имтиёз берилган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар учун тўланган ҚҚС суммасининг (ҳисобвараклар асосида) ҳисобдан чиқарилиши юқоридаги муаммони ҳал этади. Конунчиликда ахолига кўрсатиладиган хизматлар ва сотилган товарлар бўйича ҚҚСдан имтиёз берилган бўлса-да, амалда уларни қўллаш тартиблари мукаммал эмас. Шу жумладан, ахолини шаҳар ичida ташиб хизматини кўрсатувчи корхоналар ҳамда ўзи ишлаб чиқарган қурилиш-бинокорлик материаллари ахолига сотилган корхоналар ҚҚСдан озод қилинган бўлса-да, лекин имтиёзли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғини солик ҳисботининг 1-қатори бўйича ҳисобдан чиқариш белгиланмаган. Натижада қўшилган қиймат солиғидан имтиёзга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар бўйича тўланган ҚҚС суммасини ҳисобдан чиқаришда чалкашликлар рўй бериб, корхонага солик оғирлиги ҳосил бўлмоқда. Амалдаги Солик кодексига биноан, ҚҚСдан имтиёз берилган маҳсулотни ишлаб чиқариш

учун сарфланган моддий харажатлар бўйича тўланган ҚҚС суммаси таннарх ва муомала харажатларига киритилиши белгиланган. Бу тартиб хўжалик юритувчи субъектлар фойдасининг камайишига (таннархга ва муомала харажатларига ўтказилган ҚҚС миқдорида) сабаб бўлмоқда. Энди қўшилган қиймат солиги бўйича берилган имтиёзларнинг иқтисодий фаолиятига ва товар қийматига таъсирини қўйидаги жадвал асосида кўриб чиқамиз.

### **жадвал**

#### **Кўшилган қиймат солиги бўйича берилган имтиёзларнинг корхоналар иқтисодий фаолиятига ва товар қийматига таъсирини таҳлили.**

(Шартли бирликларда.)

Кўрсаткичлар	A Корхона (ишлаб чиқарувчи)	Ишлаб чиқарувчидан моддий ресурсни сотиб олувчи корхона		Моддий ресурсни сотиб олувчи пудратчи	
		Б корхона (озод этилган ёки алоҳида тартибда солик жорий қилинган)	В корхона (умумий тартибда ҚҚС тўлайди)	Б корхонадан сотиб олса	В корхонадан сотиб олса
1	2	3	4	5	6
Сотилган товар қиймати	4400	12980	12100	34155	33275
Сотилган товар учун ҚҚС	880	0	2420	6831	6655
Сотиб олинган ресурс қиймати	1600	4400	4400	12980	12100
Сотиб олинган ресурс учун ҚҚС	320	880	880	0	2420
Товар ишлаб чиқариш учун кетган бошқа харажатлар	2400	6600	6600	18150	18150
Фойда меъёри (жами ҚҚС сиз харажатдан 25%)	400	1100	1100	3025	3025
Бюджетга тўланадиган ҚҚС	560	0	1540	6831	4235
Товарнинг ҚҚС билин бирга умумий қиймати	5280	12980	14520	40986	39930

**Манба: Ш.Тошматов.Корхоналарни ривожлантиришда соликлар роли.-Т “Фан  
ва технология” 2008 й 129 бет.**

Бир хил шароитда ишловчи иккита қурилиш корхонасининг биринчиси учун қурилиш материаллари таъминотчиси – ҚҚС тўловчи корхона ва иккинчиси учун алоҳида соликка тортиш тартиби жорий этилган корхона бўлган шароитларда бажарилган ишлар ҳажмининг қиймати турлича бўлишига олиб келади. Бизнинг мисолимизда биринчи моддий ресурсларни алоҳида соликка тортиш тартибида ишловчи корхонадан сотиб олувчи пудратчи учун фойда миқдори бир хил бўлган шароитда бажарилган ишлар ҳажми қиймати

40986 шартли бирликни ташкил этган ҳамда тўлиқ товар айланиши 34155 шартли бирлиқдан ҚҚС тўлашга мажбур. Чунки ҚҚСдан чегирма йўқ, иккинчи моддий ресурсларни ҚҚС тўловчи корхонадан сотиб олувчи пудратчи фойда миқдори камаймаган шароитда бажарилган ишлар ҳажми қиймати 399360 шартли бирликка тенг бўлган, шу билан бирга сотиб олинган моддий ресурслар учун тўланган ҚҚСни ҳисобга олиш имкониятига эга бўлади. Шундай экан, ҚҚС бўйича қўлланилаётган солик имтиёзлари хилма-хил бўлса-да, ушбу имтиёзларни амалиётда қўллаш механизмини самарали деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, имтиёзлар солик ҳисобининг тўғри юритилишига ва ҳисботларнинг тўғри тузилишига зид бўлмаслиги ҳамда қийинчиликлар туғдирмаслиги лозим. Натижаларга кўра, солик имтиёзларидан фойдаланиш тартибларининг мукаммал эмаслиги сабабли ушбу солик имтиёзларидан фойдаланувчи юридик шахслар учун қўп ноқулайликлар ва чалкашликлар туғдирмоқдаки, тақдим қилинган баъзи солик имтиёзлари аслида корхонада солик юкининг ошишини вужудга келтирмоқда.

“Имтиёз” сўзининг луғавий маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, ундан фойдаланган субъект қандайдир енгиллик, кулайликларга эга бўлиши, солик соҳасидаги имтиёздан эса, моддий манфаат кўриши лозим.

Амалдаги қонунчиликка асосан солиқлардан белгиланган имтиёзлар давлатнинг ижтимоий ҳимоя функцияларини ва иқтисодиётнинг маълум соҳаларини ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни назарда тутиши лозим. ҚҚС бўйича белгиланган “имтиёз”лар ҳам айнан давлатнинг ижтимоий ҳимоясига муҳтож соҳалар ва мамлакат иқтисодиётини ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган солик тўловчилар гурухларига берилган. Лекин, афсуски, бу солик тўловчилар ўз фойдаларининг бир қисмини “имтиёз”дан “фойдаланиш” учун сарфламоқдалар.

Масалага бошқа томондан қарайдиган бўлсак, имтиёзга эга бўлган ишлаб чиқарувчидан хомашё сотиб олган ҚҚС тўловчи корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини сатаётган пайтда давлат бюджетига аввал тушган ҚҚС суммасига (имтиёзга эга бўлган корхона мол етказиб берувчига тўлаган ҚҚС суммасига) ҳам яна ҚҚС ҳисоблайди ва бюджетга ўтказиб беради.

Фикримизча, ҚҚС бўйича имтиёз қўлланилганда нолли ставка қўлланилгандаги каби тартиб қўлланилса, яъни мол етказиб берувчиларга тўланган ҚҚС суммаси ҳисобга олинса,adolatлилик тамойили ҳам бузилмасди, “имтиёз” сўзи ҳам ўзининг туб моҳиятини тўлиқ ифодалаган бўлар эди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. И.А. Каримов “2014 йил мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари , 2015 йил иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишлиланган 2015 йил 16 январда Вазирлар Махкамасидаги нутқи. // Халқ сўзи 17 январь 2015 йил.

2. Миляков. Н. Налоги налогообложение. -М.: Инфра-М. 2005. стр. 69.

3. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. //Дарслик. –Т.: “Шарқ”. 2009. 91-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2014 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси.-Т.:Адолат, 2014 й.
6. Тошматов Ш., Комилов М. Қўшилган қиймат солиги. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. 2004. 22-бет.
7. Александров И. Налоговые системы России и зарубежных стран. -М.: “Бераторов-Пресс”. 2002. Стр. 125.
8. ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
9. Ш.Тошматов.Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли.-Т “Фан ва технология” 2008 й 129 бет